

“Темур тузуклари” – миллий давлатчилигимиз тарихининг намунаси сифатида

А.Мажидов, ЖДПИ

Тарих шуни кўрсатадики, ҳар бир миллат, ҳар бир шахс, биринчи навбатда ўз миллий ғурурига эга бўлиши, ўзлигини англаши лозим. Шахс, миллат авваломбор, ўзини ҳурмат қилгандагина бошқа шахс, миллатларни ҳурмат қилади. Ўзлигини йўқотганлар барибир кучли-қудратли бўлолмайди. Аксинча, ўзлигини англаган, ўз аجدодлари тарихини, қадрияти, урф-одатлари, анъаналарини эъзозлаган миллатнинг келажаги буюк бўлади. Ҳаққоний ва холис ўрганилган тарих инсонга куч бағишлайди, иродасини мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон мустақиллиги бой ва қадимий тарихимизни ҳаққоний ва холисона қайта тиклаш имконини беради. Биз нафақат Амир Темур ва темурийлар даври тарихини, балки бутун тарихимизни қайта тиклайлик. Соҳибқирон Амир Темур номи оқланиб, покланиб, истиқлолимизнинг фахри, ғурури сифатида қабул қилинди.¹

Президентимизнинг: “... давлатчилигимиз асосларини яратиб кетган Темур бобомиз ғайрат–шижоати, юксак ақл-заковати, тадбиркорлиги, элпарварлиги билан бизга ҳамиша ибрат намунаси бўлиб қолғусидир. Биз у зоти олийдан ҳамиша руҳий мадад оламиз”, деб ғурур билан айтган сўзлари ҳам буюк соҳибқироннинг халқимиз, Ватанимиз олдидаги хизматлари қанчалик буюк эканини кўрсатади. Дарҳақиқат, Амир Темур даврига оид ёзма манбалар ичида “Темур тузуклари” биз учун алоҳида ўрин тутди.

“Темур тузуклари”нинг ўрганилиши Ўзбекистонда 1969 йили ЮНЕСКО томонидан Самарқандда Темур ва Темурийлар давридаги Марказиц Осиё санъати ва маданиятини ўрганиш бўйича халқаро конференциясининг ўтказилиши муносабати билан “Темур тузуклари”нинг 1967 йили Алихон Тўра Соғуний (1885-1976 йиллар) томонидан ҳозирги ўзбек тилига ўгирилиб “Гулистон” журналида чоп этилган эди.² Академик И.М.Мўминов ташаббуси

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Тарихий хотира ва инсон омили – буюк келажагимизнинг гаровидир” риволасини ўрганиш бўйича ўқув кўлланма. Т., Ўқитувчи, 2012, 15-бет.

² Темур тузуклари. Алихонтўра Соғуний таржимаси. //Гулистон. 1967.

ва сўзбошиси билан Н.Остроумов томонидан рус тилига қилинган “Темур тузуклари” таржимасининг фото-нусхаси матни чоп этилган.¹

1980-1990 йилларда асарни форс тилидан А.Суғоний, Ҳ.Караматов таржимаси нашр қилинган.

Илмий жамоатчиликка “Тузуки Темурий” (“Темур тузуклари”), “Малфузоти Темурий” (“Темурнинг айтганлари”), “Воқеоти Темурий”, (“Темур ҳақида хотиралар”) каби номлар билан танилган, дастлабки туркийда ёзилган ушбу асарнинг форсча таржимадан бизгача етиб келган қўлёзмалари XVII асрга, яъни Бобурий ҳукмдорларидан Шох Жаҳон даврига (1628-1657) оид бўлса-да, унинг асли XIV асрнинг охири – XV асрларда яратилган деган хулоса мавжуд. Асарнинг туркийдаги асл нусхаси топилмагани боис, унинг яратилган даври хусусида Б.Аҳмедов, Д.Юсупова, У.Уватов, Ҳ.Караматов, Ҳ.Бобобеков, О.Бўриев турли мулоҳазаларни билдирганлар.

1991 йилда асарнинг тузатишлар киритилган, тўлдирилган таржимаси Ҳ.Караматов томонидан амалга оширилиб, Б.Аҳмедовнинг кириш сўзи ва илмий изоҳлари билан чоп этилди. “Темур тузуклари”нинг 1991 йилги наشري асосида 1996 йили қайта босилди ва асарнинг уч тилдаги (ўзбек, инглиз, француз) наشري ҳам чиқди.²

Амир Темур – жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган улуғ саркарда, давлат арбоби, илм ва маърифат ҳомийси. Кўп тарихий далиллар шундак гувоҳлик берадики, Амир Темур маърифатли оилада дунёга келиб, болалигидан бошлаб яхши тарбия кўрган. У тиришқоқ, ўткир зеҳнли, эътиқоди мустаҳкам, меҳнатдан қочмайдиган бўлиб ўсган. Бўлғуси саркарда ҳаёт сирларини барвақт англаган, воқеаларни чуқур таҳлил қила билган ва тегишлихулосалар чиқариш қобилиятига эга бўлган.

Соҳибқироннинг давлатчилик ва дипломатия, ҳарбий маҳорат, бунёдкорлик салоҳияти, илму фан, санъат ва меъморчиликка оид қарашлари, ҳаётнинг маъно-мазмуни, инсонни улуғлайдиган эзгу ишлар ҳақида билдирган

¹ Уложение Темура. Т., Фан, 1968.

² Тарихий манбашунослик муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Т., 2008, 371-бет.

фикрлари, дину диёнати ва адолатни жойига қўйиш, салтанат ишларини кенгаши ва тадбир асосида амалга ошириш, ҳар бир масалада узоқни кўзлаб, эл манфаатини ўйлаб иш тутиш билан боғлиқ ибратли фазилатларини алоҳида таъкидламоқ керак. Айнан мана шундай масалалар Соҳибқирон тафаккурининг маҳсули бўлган “Темур тузуклари” асарида ҳар томонлама аниқ, ишонарли ва таъсирчан ёритилган.

Амир Темур чиндан ҳам халқ орасидан чиққан ва унинг қудратига суяниб иш олиб борадиган раҳбар бўлгани учун “раият” деб аталадиган оддий фуқароларнинг аҳволини язшилашга биринчи навбатда эътибор беради. “Темур тузуклари”да бу ҳақда шундай дейилади:

“Раият аҳволидан огоҳ бўлдим, улуғларини оға қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим... Уларнинг миждозларига, табиатига тўғри келган, ўзлари тилаган одамларни уларга ҳоким қилиб қўйдим. Ҳар бир диёр аҳолисининг аҳволини, сипоҳу раият кайфиятини, туриш-турмушини, қилиш-қилмишларини, булар ўртасида ўзаро муносабатларни хатга битиб, менга билдириб туришлари учун диёнатли, тўғри ёзувчи кишиларни белгиладим”.¹

Амир Темур давлатида етгита вазир иш олиб борган. Ислом қозиси шариатга оид ишларни кўриб чиққан. Дунёвий ишларни ажрим қиладиган қозихона алоҳида бўлиб, подшоҳ раҳбарлигида мустақил иш олиб борган. Булардан ташқари, девонхонада арзбеги деб аталадиган нуфузли амалдор ҳам фаолият юритиб, раият ва сипоҳ арз-дод қилиб подшоҳ рағоҳига келса, уларнинг арзини эшитиб, Амир Темурга маълум қилиб турган.

Яна буюрдимки, - дейилади “Темур тузуклари”да, - амирлар, мингбошилар раиятдан моли жиҳот (яъни экин ҳосилидан олинадиган давлат улуши – учдан бир ёки бешдан бир қисм бўлади) йиққонларида хирождан ортиқча сиворий, қўналға ва шилон талаб қилмасинлар”.²

Юқорида айтиб ўтилган солиқлар чингизийлар даврида от минган амалдор келса, унга совға бериш, элчилар, чопарлар келса, уларни халқ

¹ Темур тузуклари. Т., Ўзбекистон, 2013, 77-бет.

² Темур тузуклари. 2005, 86-бет.

хисобига меҳмон қилиш каби одатларни баъзи амалдорлар Туронда мустақиллик даврида ҳам қўймас эдилар. Шунинг учун Соҳибқирон мўғуллардан қолган бу сарқит урф-одатлардан қутилиш ҳақида ўз амалдорларига қайта-қайта буйруқ берар, бажармаганларни жазога тортарди.¹ айниқса, раиятни ҳақорат қиладиган, калтаклайдиган амалдорларга Амир Темур аёвсиз жазо берарди. “Хирожни раиятдан калтаклаш, савалаш йўли билан эмас, балки тушунтириш, огоҳлантириш йўли билан ундирсинлар. Қайси ҳокимнинг сўзи ва ҳукмининг таъсири калтаклаш таъсиридан камроқ экан, ундай ҳоким ҳукумат юргизишга яроқсиздир” дейилади “Темур тузуклари”да.

Қаранг, бугунгача ўз аҳамиятини йўқотмаган бу доно сўзлар Соҳибқироннинг фақат сўзда эмас, амалда адолат учун тинмай кураш олиб борганини, халқни золим амалдорлардан астойдил ҳимоя қилганини кўрсатади.

“Тузуклар” деб туркий сўз билан аталган қонун – қоидалар Амир Темур тузган халқпарвар давлатнинг минг йиллик тарихимизда мисли кўрилмаган янги типдаги адолатпарвар давлат бўлганидан далолат беради.

“Темур тузуклари”ни тан олмасдан ва чуқур идрок этмасдан туриб, Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятига ҳаққоний баҳо бериш мумкин эмас. Унинг саркардалик даҳоси халқ озодлик ҳаракатига етакчилик қилиб, ватанини мусамлакачи чингизийлардан халос қилиш даврида камол топгани “Темур тузуклари”да ажойиб донолик ва ростгўйлик билан очиб берилган. Шу ўринда Президентимизнинг: “...Шахсан мен Соҳибқирон бобомиз бизга мерос қилиб қолдирган “Тузуклар”ни ўқисам, худдики ўзимга қандайдир катта руҳий куч-қувват топгандек бўламан” деган теран фикрларини айтиб ўтиш жоиз.

Хулоса қилиб айтганда донишманд бобокалонимизнинг тарихий ўғитлари Ўзбекистон истиқлоли даврида халқимиз ва раҳбариятимиз томонидан изчил амалга оширилаётган бизнинг ҳар биримиз нафақат гувоҳимиз, балки бу улуғ ва улкан ишларга заррача бўлса ҳам ҳисса қўшиш истагида меҳнат қилмоқдамиз.

¹ П.Қодиров. Амир Темур сиймоси. Т., Ўзбекистон, 2007, 111-бет.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Тарихий хотира ва инсон омили – буюк келажагимизнинг гаровидир” риволасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Т., Ўқитувчи, 2012.
2. Темур тузуклари. Алихонтўра Соғуний таржимаси. //Гулистон. 1967.
3. Тарихий манбашунослик муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Т., 2008.
4. Темур тузуклари. Т., Ўзбекистон, 2013.
5. П.Қодиров. Амир Темур сиймоси. Т., Ўзбекистон, 2007.

РЕЗЮМЕ

Мақолада “Темур тузуклари”нинг ёзилиш тарихи ҳамда унинг давлатчилигимиз тарихининг бир намунаси эканлиги қисқача илмий тадқиқ этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье освещается история написание «Уложение Тимура», кратко изложено как примера в истории нашего Отечества.

SUMMARY

In article is illuminated history writing "Code of law Timura", is briefly stated as example in histories our Fatherland.